



Studying complex sentences based on comparison with simple sentences

Orifjon JUMAYEV¹

Samarkand State Institute of Foreign Languages

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2024

Received in revised form

10 September 2024

Accepted 25 September 2024

Available online

25 October 2024

Keywords:

isolated sentences,
syntactic features,
simple sentences,
emotional expressiveness,
stylistic functions.

ABSTRACT

In this article, our main task was to compare fragmented sentences - that is, sentences of a complex nature—with simple sentences and to explain their features. Complex sentences are often derived from simple sentences.

2181-3701/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol2-iss4/S-pp126-130>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Мураккаб характерга эга бўлган гапларни содда гапларга қиёслаб ўрганиш тўғрисида

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

ажратилган бўлакли
гаплар,
синтактик хусусиятлар,
содда гаплар,
эмоционал-
экспрессивлилик,
стилистик функциялар.

Биз ушбу мақола доирасида ажратилган бўлакли гапларни, яъни мураккаб характерга эга бўлган гапларни, содда гапларга қиёс қилиб, уларга хос бўлган хусусиятларни изоҳлаб беришни асосий вазифа қилиб олдик. Аслида эса мураккаб гаплар ҳам ўз навбатида у ёки бу содда гапларнинг маҳсулидир.

¹ Associate Professor, Department of German Language and Literature, Samarkand State Institute of Foreign Languages.

Изучение предложений сложного характера на основе сравнения с простыми предложениями

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

обособленные предложения, синтаксические особенности, простые предложения, эмоционально-выразительность, стилистические функции.

В данной статье мы ставим основной задачей сравнение фрагментированных предложений, то есть сложных предложений, с простыми и объяснение их особенностей. По сути, сложные предложения представляют собой дальнейшее развитие того или иного простого предложения.

КИРИШ

Бирор-бир илмий-тадқиқот ишининг текшириш объекти сифатида танланган мавзунинг лингвистик моҳиятини тўғри тушуниш ва уни тушунтира олишда қиёслаш методига таянган ҳолда иш олиб борилса, кўзланган мақсадга тезроқ эришиш мумкин, чунки қиёслаш натижасида таҳлил остига олинган ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшашлик ёки бир-бирларидан фарқ қилувчи томонлари очиқ-ойдин намоён бўлиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

И.П.Сусовнинг таъбирича, нутқий акт лексик-грамматик бирлик бўлмасдан, балки прагматик ҳодисадир. Ушбу ҳодиса таркибида сўзловчининг мақсади воқеланади, тингловчи эса нутқий актни оддий қабул қилиб олмасдан, балки уни фаҳман “қайта ишлаши” ва тушуниб олиши зарур. Фақат шундагина нутқий акт таркиби-да ифодаланаётган мазмунни, сўзловчининг коммуникатив мақсадини англаб етиш мумкин бўлади. Олим ўринли қайд этганидек, синтактик бирлик ролини ўтаётган гапнинг маъноси нутқий ҳаракат мазмунини шакллантирувчи омиллардан бирига айланади, бошқа омиллар эса вазиятдан келиб чиқиб аниқланади.

Рус тилшуноси С.Д.Каснелсон ўз пайтида гап тузилишида юзага келадиган ўзгаришларнинг сабаб-ларини тавсифлашга ҳаракат қилган эди. Масалан, эганинг гап охиридан ўрин олиши янги, нутқда ҳали эслатилмаган субъект ҳақида хабар беради. Олимнинг қайдича, шу йўсинда янги ахборотни тақдим этиш вазифаси бажарилади. Бундай ҳолатда мулоқот иштирокчилари пресуппозицион билимини фаоллаштирувчи восита хизматини сўз тартиби бажаради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ушбу мақола доирасида биз ажратилган бўлакли гапларни, яъни мураккаб характерга эга бўлган гапларни, содда гапларга қиёс қилиб, уларга хос бўлган хусусиятларни изоҳлаб беришни асосий вазифа қилиб олдик. Аслида эса мураккаб гаплар ҳам ўз навбатида у ёки бу содда гапларнинг маҳсулидир, яъни ҳосиласидир. Унинг шундай эканлигини қуйидаги мисоллар таркибида кузатамиз:

1. Der junge Leutnant von Moon pfeift noch einmal seine Leute zusammen (A.Zweig. Was der Mensch braucht, S.216).

2. Von den sechs Schwestern haben nur zwei eine Arbeit gefunden, die achtundzwanzigjährige bildschöne Güllü als Verkäuferin in einem Warenhaus im Stambuler Zentrum und die fünfundzwanzigjährige, gehbehinderte Arzu als Aufwärterin in einem

Vornehmen Unternehmer- Haushalt in der Büyükdere Avenue in Norden des europäischen Stadtteils (O.Lang. Der Tod im Fundament, S.14).

1, 2 – рақамли мисолларда содда ёйиқ гаплар берилган, агарда биз трансформацион методдан фойдаланиб, 2-рақамли мисол таркибидан ажратилган бўлакларни алоҳида ажратиб олсак, ушбу гап худди 1- рақамли мисолдаги содда ёйиқ гапга ўхшаб қолади, яъни - von den sechs Schwestern haben nur zwei eine Arbeit gefunden. Натижада бу гап ҳам ўзига хос синтактик хусусиятлари билан 1-рақамли мисолдаги гапга ўхшаб кетади, яъни уларнинг таркибида грамматик субъект, грамматик предикат ва иккинчи даражали бўлаклар мавжуд. Бироқ биз 2-рақамли мисолдаги гапни, худди 1-рақамли мисолдаги гапга ўхшатиб, содда ёйиқ ёки кенгайтирилган содда ёйиқ гап деб таҳлил қилсак, у ҳолда биз 2-рақамли мисолдаги гапнинг лингвистик моҳиятини қўпол равишда бузган бўламиз, яъни шу соҳада мавжуд бўлган фикр-мулоҳазаларга кўр-кўрона эргашган бўламиз. Бироқ бу соҳада айтилган бундай фикр-мулоҳазаларга маълум даражада диққат эътиборни қаратган ҳолда 1, 2- рақамли мисолларда намоиш этган гапларнинг шаклланиш табиатига қараб, уларга хос бўлган хусусиятларни изоҳлаб беришга ҳаракат қиламиз.

1-рақамли мисолда содда ёйиқ гап берилган, чунки ушбу гап худди шундай гапларга хос бўлган барча синтактик хусусиятларни ўзида намоиш этади, яъни ўзига хос семантик вазифага, ўзига хос оҳангга, ўзига хос тўхтамга эга.

2-рақамли мисолда эса мураккаб гап берилган. Ажратилган бўлакли компонентлар у ёки бу содда гаплар таркибида келиб, уларнинг структуравий тузилишини мураккаблаштиради. Натижада бундай содда гаплар мураккаб гап статусига эга бўлади.

Мураккаб гап статусига эга бўлган гаплар ҳар қандай содда гаплардан ўзига хос хусусиятлар билан фарқ қилади. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат: содда гапларни мураккаб гапларга айлантиришда барча гап бўлаклари (яъни бош бўлаклар ҳам, иккинчи даражали бўлаклар ҳам) иштирок этади ва улар ўз табиатларига кўра ажратилган бўлаклар деб айтилади. Ажратилган бўлаклар содда гапларни ташкил қилишда иштирок этадиган оддий гап бўлакларининг бошқа бир шакли ёки уларнинг алоҳида олинган тури эмас. Аксинча ажратилган бўлаклар ҳам шаклан оддий гап бўлакларга ўхшайди. Бироқ ажратилган бўлаклар оддий гап бўлакларидан фарқ қилган ҳолда янгича сифатга эга бўлади. Улар мазмунан ҳамда оҳанг жиҳатидан нисбий мустақилликка эга бўлади. Ажратилган бўлаклар (2-рақамли мисолда намоиш этилган ажратилган бўлакларга алоҳида эътибор берилсин) ўзига хос маънавий вазифага эга. Бу вазифа шундан иборатки, ажратиш орқали изоҳланаётган гап бўлагининг, яъни – **zwei** - нинг маъноси алоҳида бўрттириб кўрсатилади. Бундай мантиқий ажратиш оҳангда ҳам ўз ифодасини топади. Ажратилган бўлакларнинг ўзига хос оҳанги ҳам бўлади. Ажратилган бўлакларнинг оҳангга оддий гап бўлакларнинг оҳангига ўхшамайди, чунки ажратилган бўлак бошқа гап бўлакларидан фарқланувчи алоҳида оҳанг билан талаффуз қилинади. Агарда ажратилган бўлак оддий гап бўлагига нисбатан препозиция ҳолатда келса, табиийки ундан олдин оҳанг кўтарилмайди, агарда ажратилган бўлак оддий гап бўлагига нисбатан постпозиция ҳолатига келса, у ҳолда оҳанг пасаяди. Ажратилган бўлаклар изоҳланаётган бўлаклардан алоҳида тўхтам билан ажралиб туради. Улар орасидаги тўхтам турли хил тиниш белгилари

ёрдамида амалга ошади (вергул, нуқтали вергул, тире, баъзан эса икки нуқта). Қайси бир тиниш белгиси кўпроқ ва қайси бири камроқ қўлланилиши, худди ажратилган бўлақлардек ёзувчининг индивидуал услубига боғлиқ бўлади. Умуман олганда тиниш белгилари ҳам ўзига хос стилистик характерга эга, чунки айнан улар ёрдамида кўпгина стилистик фигуралар, шу жумладан гап бўлақлар ҳам матн доирасида намоён бўлади.

Мураккаб гапларни содда гаплардан ажратувчилик хусусиятлардан яна бири-бу ажратилган бўлақларнинг икки ёқлама маъно муносабатига киришидир. Ушба ҳолатни 2-рақамли мисол намунасида кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Масалан, 2-рақамли мисолда ажратилган бўлақ функциясида эга ифодаланиб келмоқда, яъни – *die achtundzwanzigjährige bildschöne Güllü als Verkäuferin in einem Warenhaus im Stambuler Zentrum und die fünfundzwanzig-jährige, gehbehinderte Arzu als Aufwärterin in einem Vornehmen Unternehmer – Haushalt in der Büyükdere Avenue in Norden des europäischen Stadtteils* эга шаклида ифодаланиб келган бундай ажратилган бўлақлар биринчидан изоҳланувчи гап бўлаги, яъни **-zwei-** билан маъно муносабатига киришиб, унинг маъносини маълум даражада конкертлаштиради, аниқлайди, кенгайтиради, тўлдиради, изоҳлайди; иккинчидан эса кесим орқали бутун гап мазмуни билан маъно муносабатига киришади. Ажратилган бўлақларга хос бўлган икки хил маъно муносабатининг бири асосий, иккинчиси эса қўшимча мазмундир. Демак ажратилган бўлақлар ўзлари бевосита боғлиқ бўлган изоҳланаётган компонентларга нисбатан қўшимча маъно ифодалаб келар экан. Таҳлил қилинаётган мисолларга қараб, ажратилган бўлақларнинг қўшимча маъноларига баҳо берадиган бўлсак, у ҳолда бу ерда шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозим. Баъзан ажратилган бўлақларнинг қўшимча маъно хусусиятлари ўзининг таъсирчанлиги, салмоғи, эмоционал- экспрессивлиги билан бутун гап мазмунига нисбатан муҳимроқ экан, чунки улар томонидан ифодаланётган қўшимча маънолар ёрдамида ноаниқлик аниқланади, мавҳум конкертлаштирилади. Жумладан ушбу ҳолатни 2-рақамли мисол намунасида кузатиш мумкин: жумладан унинг олтита қизларидан фақат иккитаси иш топишга муваффақ бўлади, ана шу иккаласининг ким эканлигини аниқлаш мақсадида, ёзувчи тилда мавжуд бўлган стилистик фигураларга таянган ҳолда ажратилган бўлақларни қўллашни лозим топади. Натижада ажратилган бўлақларнинг мазмуни орқали уларнинг кимлиги аниқланади – улардан бири ниҳоятда гўзал Гюлю ва унга қарама-қарши бўлган зўрма-зўраки юраоладиган йигирма беш ёшли Орзудир. Ажратилган бўлақлар ёрдамида уларнинг ким эканлиги аниқланибгина қолмасдан, шу билан бирга улар қанақа лавозимда ишлаётганлиги ҳам маълум бўлади. Энг қизиғи шуки, улар томонидан эгалланган лавозим ҳам опа-сингилнинг ташқи қиёфаси билан белгиланади. Уларга хос бўлган бундай ташқи қиёфа *bildschöne* ва *gehbehinderte* компонентлари орқали белгиланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ажратилган бўлақлар бу ерда оддий бир синтактик қурилма сифатида эмас, балки муҳим стилистик фигура сифатида шаклланади. Бу эса ажратилган бўлақларни фақатгина синтактик томонидангина эмас, балки семантик, коммуникатив ва стилистик томонларидан таҳлил қилинишини алоҳида таъкидлайди.

Мураккаб гапларни содда гапларга қиёслаб ўрганиш, уларга хос бўлган барча синтактик ва семантик, шунингдек бир-бирларининг фарқлантирувчи хусусиятларнигина ойдинлаштирибгина қолмасдан, балки шу билан бир қаторда уларга хос бўлган муҳим стилистик функцияларни ҳам атрофлича таҳлил қилишга яқиндан ёрдам беради деган умиддамиз.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Бегматов М.Б. Немис тилида илова когструкциялар. Монография. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2020, – Б. 131.
2. Зияева С.А. Анализ структуры предложения, маркированного обособлением // Преподавания языка и литературы. – Ташкент. 2005. – №3. – С. 28–34.
3. Ипполитова Н.А. Общая риторика: учеб. пособие. – М., 2013. – 404 с.
4. Кудрявцева Т.Ю. Обстоятельства обособления (о некоторых спорных вопросах синтаксиса) //Лингвистика и межкультурная коммуникация. – Воронеж, 2014. Вып. – № 12. – С. 16–22.
5. Распопов И. П. К вопросу об обособлении // Очерки по теории синтаксиса. Изд-е 2-е. – М., УРСС, 2009. – С. 132–147.
6. Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Самарқанд: Сангзор нашриёти, 2006. – 92 б.
7. Сусов И.П. Лингвистическая прагматика. – Винница, 2006. – 138 с.
8. Турсунов Б.Т. Мураккаб синтактик конструкцияларни ўрганишга доир // Халқаро илмий конференция материаллари тезислари (2002 йил 14–15 март, Самарқанд). – Самарқанд, 2002. – Б. 76–77.
9. Фадеева Л. В. Обособление и обособленные члены предложения в современном немецком языке // Гуманитарные исследования, – М., 2011. – № 2(38). – С.110–114
10. Холияров Л.Т. Гап – тилнинг муҳим синтактик бирлиги сифатида/ Филология масалалари. – Тошкент, 2003, №2. – Б. 74.
11. Iskandarovich, A. S. (2021). Characteristics of english absolute constructions as compilers of semantic sentence structure. Евразийский научный журнал, (3), 24-26.
12. Аноркулов, С. (2019). Немецкие и узбекские топонимы как лингвокультураны. Иностранная филология: язык, литература, образование, (4 (73)), 83-86.